



Вахий таржимони маданий муассасаси томонидан турли тилларга таржима килинган Куръоннинг янги таржималари Техронда бўлиб ўтаётган Куръони Карим халкаро кўргазмасида намоишга кўйилган.

Эрон Куръон ахборот агентлиги (ИКНА) Куръони Карим ўн тўққизинчи халкаро кўргазмаси бўлиб ўтаётган Техрондаги Имом Хумайний Мусаллосидан хабар беришича, Вахий таржимони маданий муассасаси томонидан турли тиллар, шу жумладан, инглиз, француз, испан, немис, хитой, туркман, курд, озарий, норвег, форс ва турк тилларига таржима килинган Куръони Каримнинг янги таржималаридан ташкари таржимон, нашриёт, нашр этилган жой, нашр йили ва саҳифалар сони хақида ҳам кенг маълумот берилган.

Куръони Каримнинг Мухаммад Махмуд Голий, Мухаммад Ёсир, Зариф Холидий, Абдуллох Юсуф Али ва Али Уноллар томонидан инглиз тилига килинган таржимаси, Абдуррахмон Ли Хунг Минг томонидан хитой тилига килинган таржимаси, Ахмад Фон Денфер ва Юсуф Куханлар томонидан биргаликда немис тилига килинган таржимаси, Сиддик Сафизода томонидан курд тилига килинган таржимаси ва бошқалар ана шулар сирасидандир.